**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАХЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Камолиддин Беҳзод номидаги миллий**
**рассомлик ва дизайн институти**

**“МИНИАТЮРА ВА КИТОБ ГРАФИКАСИ” КАФЕДРАСИ**

# Китобот санъати

## ФАНИ БЎЙИЧА

## МАЪРУЗА МАТНИ

**Ч.Пайзиева**

| | | |
|---|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 100000 | – Гуманитар |
| **Тахлим соҳаси:** | 150000 | – Санғат |
| **Тахлим йўналишлари:** | 5151000 | – Графика (Дастгоҳ ва китоб графика) |

## I Модуль. “Ўзбек халқ эртаклари китобини безаш”
## *1-Мавзу:* Китобат санъати ва унинг тараққиёти

Kitob —axborotlarni, gʻoya, obraz va bilimlarni saqlash hamda tarqatish, ijtimoiy-siyosiy, ilmiy, estetik qarashlarni shakllantirish vositasi; bilimlar targʻiboti va tarbiya quroli; badiiy, ilmiy asar, ijtimoiy adabiyot. Xalqaro statistikada YUNESKO tavsiyasiga koʻra, hajmi 48 sahifadan kam boʻlmagan, taboqlab tikilgan nodavriy nashrni, shartli ravishda, K. deyish qabul qilingan. K ishi K.ni yaratish, tayyorlash, uni tarqatish, saqlash, tavsiflash va oʻrganish bilan bogʻliq katta jarayonni oʻz ichiga oladi. Fan, adabiyot, san’at asarlaridan matbaada koʻpaytirish va tarkatish uchun tanlash, ularga ilmiy va badiiy nuqtai nazardan yondoshish, tahrir qilish, badiiy bezash, matbaa ijrosini belgilash va nashrga tayyorlash noshirlikning vazifasi. K.ni koʻplab chiqarish — kitob bosish ishi poligrafiya sanoatiaa olib boriladi. K.larni toʻplash, saqlash, oʻquvchilar oʻrtasida tashviqot qilish, ulardan kitobxonlar foydalanishlari uchun qulay sharoit yaratish kutubxona ishiga qaraydi (q. Kutubxona, Kutubxonashunoslik). K. va boshqa bosma asarlar haqida muayyan maqsad bilan oʻquvchilarga ma’lumot berish va ularni tashviqot qilish bibliografiya vazifasidir va h.k/K.ning paydo boʻlish tarixi yezuvning yaratilishi va shakllanishi jarayoni bilan oʻzviy bogʻliq.

Yozuvning tuzilish xususiyatlari (belgilar tizimi, ularning joylashish tartibi), yozuv materiali va qurolining oʻziga xos tomoni va boshqa ma’lum darajada K. tuzilishini ham belgilab berdi. Qad. Misr, Rim, Yunoniston va Oʻrta Osiyoda kishilar tosh, palma daraxti barglari, sopol va boshqa materiallarga yozib fikr izxrr etganlar. Har bir K. oʻnlab shunday materiallardan tayyorlangan plitalardan iborat boʻlib, ogʻirligi bir necha kg boʻlgan. Yozuv materiali sifatida papirus usimligi ishlatilishi (miloddan avvalgi 4—3 ming yilliklarda) bilan oʻrama K.lar paydo boʻldi. Bunday K.larning oʻzunligi oʻrtacha 10 m atrofida boʻlib, ingichka, yumaloq tayoqlarga oʻralgan va maxsus charm yoki yogʻoch gʻiloflarda saqlangan. Sharq mamlakatlari, Qad- Rim va Yunonistondagi koʻpgina nodir asarlar papirusga bitilgan. Miloddan avvalgi 2-asrga kelib K. materiali sifatida pergament (teri)dan foydalanish keng rasm boʻldi. Dastlab bunday K. oʻrama holda saqlangan. Ayrim ma’lumotlarga Qaraganda, Oʻrta Osiyoda, xususan, Xorazmda miloddan avvalgi 1-ming yillikning 1-yarmida vujudga kelgan zardoʻshtiylik dinining muqaddas kitoblaridan Avestoning qad. nusxasi ham 12 ming mol terisiga bitilgan. Arablarning Oʻrta Osiyodagi istilosiga qadar (8—10-asrlar) u yerda koʻp nodir K.lar saqlangan kutubxonalar boʻlgan. Lekin ularning koʻpi bosqinchilik urushlari natijasida yoʻqotib yuborilgan. 2—4-asrlardan boshlab Qad. Rimda xuddi hozirgi K.larning varaqalari singari buklab, tikib tayyorlangan va bir-biriga biriktirilgan, muqovali K.lar — kodeks paydo boʻldi. Ular dastlab papirus, soʻng pergamentga yozilgan. Bunday K.lar ogʻir va besunaqay edi. 6-asrdan boshlab kodeks shakli asosida hozirgi koʻrinishdagi K.lar paydo boʻldi. Teriga ishlangan noyob K.lardan biri — Mus-hafi Usmon Kur’onidir. Qur’oni karimning bu nusxasi 644—656 yillarda xalifa Usmon koʻrsatmasi bilan Muhammad (sav)ning kotiblari Zayd ibn Sobit, Amir ibn alOʻs va Hishom ibn Hakimlar tomonidan kufiy xatida yozilgan.

Mazkur qoʻlyozma K. Amir Temur tomonidan Samarqandga olib kelingan. Jami 353 varaq, hajmi 68x53x22 sm. Oʻzbekiston musulmonlari idorasi kutubxonasida saqlanadi. Qogʻozning kashf qilinishi K. tarixida yangi davr ochdi. Ayrim maʼlumotlarga qaraganda, 650 yillardayoq Samarqandda qogʻozli K.lar boʻlgan. 13-asrdan Yevropada qogʻoz asosiy yozuv materiali boʻlib qoldi. Qogʻoz K.ning



koʻpayishiga va tarqalishiga yangi imkoniyat ochdi. K. bezashga alohida ahamiyat berildi. Uning sahifalariga turli miniatyuralar, hoshiyalariga bezaklar ishlana boshladi. Asta-sekin xattotlik (kalligrafiya), muqovasozlik kabi kasblar ajralib chiqdi. Ayniqsa, Oʻrta Osiyoda oʻrta asrlarda xattotlik sanʼati keng rivojlandi. Mashhur xattotlarning koʻp avlodlari K.

*1-расм*

tayyorlash usulini — materiallar, siyoh, xat koʻchirish texnikasini takomillashtirib bordilar. X-XII asrlarda Movarounnahrda muayyan soxa sifatida shakllangan kitobat sanʼati XIV—XV-asrlarda yangi taraqqiyot bosqichiga kutarildi. Har bir K. qogʻozidan tortib muqovasigacha, siyoxdan to buyoqlari-yu zarhaligacha maʼlum meʼyordagi modda, reja va qoida asosida tayyorlanadi, hatto K.dan xushboʻy hid anqib turishi uchun baʼzan siyohga gulob yoki anbar qoʻshilardi. Qoʻlyozmalar nafis husnixat, zarafshon (tilla suvi sochish), suvli buyoqlar bilan hoshiyaga nafis naqshlar ishlab badiiy bezatildi. 15—16-asrlarda bir qancha isteʼdodli xattot, musavvir, lavvoh va saxdoflar (Abdurahmon Xorazmiy, Sultonali Mashqadiy, Sultonali Xandon, Mirali qilqalam va boshqalar) yetishdi. Hirot xattotlariga ustozlik qilib, kitobat sanʼati ravnaqiga ulkan hissasini qoʻshgan xushnavis xattotlardan Sultonali Mashhadiy edi. U Nizomiy, Hofiz, Saʼdiy, Navoiy, Husayn Boyqaro va boshqalarning asarlarini koʻchirib shuhrat qozondi. Sultonali tomonidan koʻchirilgan 50 dan ziyod K. bizning davrimizgacha yetib kelgan. Temuriy hukmdorlar devonxonalari qoshida, xususan, Samarqand, Hirotda maxsus saroy kutubxonalari tashkil etilgan. Bunday kutubxonalar oʻrta asrning oʻziga xos hunarmandchilik korxonasi boʻlib, ularda qoʻlyozma K.larni toʻplash va saqlash bilan birga K. sozlik bilan bogʻliq boʻlgan bir qancha amaliy ishlar bajarildi. Bunday saroy kutubxonalarining boshliklari „kutubxona dorugasi“ yoki „kitobdor“ deb atalgan. Ularning qoʻl ostidagi koʻplab xushnavis xattot, naqqosh-musavvirlar, lavvoh, sahhoflar K. yaratishga doyr turli vazifalarni bajarishgan. Mas, 15-asrning 1-yarmida Hirotda Ulugʻbekning ukasi Boysunqur kutubxonasida 40 xattot va bir qancha naqqosh qoʻlyozma asarlardan nusxalar koʻchirish va ularni bezash bilan band boʻlgan. Har bir qoʻlyozma K. bir necha mutaxassis qoʻlidan oʻtardi. 1425—29 yillarda Jaʼfar Boy-sunquriy

tomonidan Abulqosim Firdavsiyning mashhur „Shohnoma“ asari ko‘chirilib, 20 ta turli mazmundagi rangdor miniatyuralar bilan bezatilgan. Noyob san’at asari sifatida bu K. Tehron muzeyida saqlanadi. Husayn Boyqaro va Alisher Navoiy saroy kutubxonasi ham o‘z davrida mashhur bo‘lgan. Navoiy badiiy qo‘lyozma san’atini rivojlantirishga katta hissa qo‘shdi. Uning bevosita ko‘magi bilan Behzod, Sultonali Mashhadiy, Shoh Muzaffar kabi o‘nlab K.soz ustalar yetishib chiqdi. Bu ustalarning uslub va an’analari keyingi yillardagi kalligrafiya san’atining asosini tashkil etdi. Turkistonda xattotlik yo‘li bilan K. tayyorlash uzoq vaqt davom etdi. Hatto K. bosish kashf qilingandan keyin ham, dastlabki vaqtlarda K.lar qo‘lyozma yo‘li bilan ko‘paytirilar edi.*(1-расм)*

K.larning tuzilishi va turlari. Hozirgi K.lar o‘quvchilar talabi va estetik didiga ko‘ra muayyan shaklga ega. K. sahifalarga ajratilib, o‘rtasidan tikiladi va muqovalanadi. Muqovaning K. sahifalari bilan biriktirilgan qismi forzats deyiladi. Ayrim hollarda muqovani saqlash va bezak sifatida muqovaga jild (superoblojka) kiygiziladi. K.ning bosh qismida sarvaraq (titul list) bo‘ladi. Unda muallif ism sharifi, K.ning nomi, nashr etilayotgan joyi, yili, nashriyot nomi va boshqa yoziladi. Sarvaraq qo‘sh sahifada bo‘lishi mumkin; bu holda u K.ning 2-(muqobil sarvaraq) va 3-betlarini egallaydi. Sarvaraq ma’lumotlarining ayrimlari




*2-расм*

kitobning l-sahifasi — peshvarak, (avantitul)da ham yozilishi mumkin. Sarvaraqning orqa sahifasiga kitob belgisi qo‘yiladi. Ba’zi hollarda sarvaraq o‘rnida sarrasm (frontispis) bo‘ladi. Matnning mazmuniga karab, K.da turli usulda sarlavhalar qo‘yiladi. Ayrim hollarda yirik sarlavhalar alohida sahifada beriladi. Bunday sahifa zarvaraq (shmutstitul) deyiladi. K.ning ruknsarlavha (kolontitul) va ruknraqam (kolonsifr)lari undan foydalanish ishini osonlashtiradi. Shuningdek, K.da mundarija, muqaddima, xotima, annotatsiya, ilova, izoh, turli ko‘rsatkichlar, bibliografik ro‘yxatlar ham bo‘lishi mumkin. K. sahifasining hajmi uning nashr bichimi bilan belgilanadi. *(2-расм)*

Хаттотлик ва китобат санъати машриқзамин аҳолининг узоқ асрлик маданий-тарихий меросида алоҳида ўрин эгаллайди. Тарихчи Қози Аҳмад Қумийнинг хаттотлар ва рассомлар тўғрисидаги “Гулистонни ҳунар” (“Санъат гулистони”) рисолидаги маълумотдан Алишер Навоийнинг “Мажолис ул-нафоис” таскирасини котиблар султони Султон Али Машхадий ҳусниҳат билан кўчирган, қўлёзма саҳифалари расмлар билан зийнатланган эканлигидан хабардор бўламиз.

Ўрта Осиё халқлари тасвирий санъати тарихида миниатюра ёки қадимги нодир қўлёзмаларни зийнатлаш учун яратилган нафис мўжаз  расмлар жуда катта ўрин тутади. Буни кейин мустақиллик йилларида санъаткорларнинг олиб борган йирик тадқиқотлари эълон қилинган қатор рангли албомлар яна бир карра тасдиқлайди. XIV асрга мансуб «Тарихи қабоили ал-араб», яъни араб қабилалари тарихи қўлёзмаси гўзал насх хатида қизил чизиқли сарлавҳалар билан нақшин услубда битилган. Ўша даврларда дастгоҳли тасвирий санъатнинг ривожланиши бирмунча қийин бўлиб, унинг ўрнини эса қўлёзма китобларга ишланган безаклар — миниатюра санъати эгаллайди.

Китобат санъатининг шаклланишида Амир Темур хам ўз хиссасини қўшган. Соҳибқирон Амур Темур ҳуснихат санъати ривожига асос солган бўлиб, Темурий шаҳзодаларининг кўпчилиги ажойиб ҳуснихат соҳиблари бўганлар. Хусусан, XV асрда Шоҳруҳ Мирзо салтанатида Ҳирот, Шеъроз ва бошқа шаҳарларда, Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги ва Алишер Навоий ҳомийлигида Ҳиротда китобат санъати равнақ топди.



*Бобур ва Бобурийларнинг китобат ва расм санъати тараққиётига қўшган ҳиссаси.*

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг яна беш вориси китобат ва расм санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Хусусан Бобур ўз юртида Темурийлар даври маданияти, хусусан китобат ва расм санъати гуллаб яшнаган даврини ўзининг шоҳ асари “Вақойиъ” (“Бобурнома” номи *3-расм* билан машҳур бўлиб кетган асарида баён этган. Буюк санъаткорлар Камолиддин Беҳзод, Султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳиравийлар билан учрашган, ҳамкорлик қилган.

2. Носируддин Муҳаммад Ҳумоюн (1530-1542, 1556 Ҳиндистон), Кобул (1545-1555) тахтини 1545 йили қайта эгаллагач, ўз атрофига бир гуруҳ рассом, хаттот ва муқовасозларни жамлаб, сарой кутубхонасига асос солган. Бу кутубхонада хаттотлар мўътабар қўлёзмаларни нафис хатларда битган

бўлсалар, Мир Мансур Мусаввир, Мир Саййид Али, Хожа Абдуссамад Шерозийлар алоҳида расмлар яратиш билан машғул бўлганлар.

3. Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1556-1605) даврида Ҳиндистонда китобат ва расм санъати жуда тараққий топди. Кўплаб, араб, ҳинд ва сансрит тилларидаги асарлар форс тилига таржима қилинди, икки юздан зиёд рассомлар мўътабар қўлёзмаларни расмлар билан зайнатлаганлар. Ўн етти рассом юксак маҳорат эгаси бўлганини тарихчи ва вазир Абуфазл Алломий “Ойин-и Акбарий” асарида номларини келтирган. Подшоҳ ўзи ва аёнлари портретларини яратишни буюрган. Бу давр энг кўп расмли қўлёзмалар яратилган даври бўлиб қолган.

4. Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир (1605-1627) Бобурийлар ичида расм санъатининг юксак билимдони бўлиб, унинг даврида бу санъат ўз тараққиётининг энг юксак даврини бошдан кечирди. Рассомларга “Нодир ул-асар” ва “Нодир уз-замон” унвонлари берилди.

5. Шаҳобиддин Муҳаммад Шоҳи Жаҳон (1627-1666) даврида маданият гуллаб яшнади, аммо подшоҳ асосан меъморчиликка катта эътибор берган бўлиб, бу даврда яратиган “Тожи Маҳал” мажмуаси ўзининг бетакрор гўзаллиги билан ҳамон тамошабинларни ром этиб келмоқда. Подшоҳ кутубхонада кўп вақтини ўтказса-да, китобат ва расм санъатига эътибор аввалги даврдагича бўлган эмас.

6. Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб (1666-1707) шахсан ўзи хаттотлик билан шуғулланиб, бўш вақтини “Қуръон” кўчириш билан ўтказган. Рассамларга эътибор давлат раҳбари томонидан кўп бўлган эмас.

XVI-XVII асрлар давомида Бобур ва Бобурийлар даврида Моварounнаҳр, Кобул ва Ҳиндистонда яратилган ажойиб хуснихатда битилган ва расмлар билан безатилган қўлёзмалар ўша давр китобат аҳлининг жаҳон маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси деб баҳолаш мумкин. Бу эса уларга шарт-шароит яратиб берган Бобурийларни юксак маданият соҳиби бўлганлигини кўрсатади. *(3-расм)*

## *2-Мавзу*: Китобат санъатида фойдаланиладиган ашёлар ва иш қуроллари.

Ҳар бир асарнинг ҳомакисини қаламда ва рангда ишлашдан олдин ўқувчиларни тасвирий санъатда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва хом ашёлар билан таништирилади. Устахоналарни ташкил этиш, жиҳозлаш, иш қуроллари, қадимий ва замонавий ашёлар билан ишлаш услуби ҳақида тушунчалар берилади. Қоғоз турлари, ватман, ярим ватман, қизил, кўк ва оқ ўчирғичлар, қалам турлари, чизғичлар, паргор ва мўйқаламлар, бўёқлар, палитра, иш коржомаси ва бошқалар билан таништирилади. Қаламни тўғри очиш ва катак дафтарда ҳар хил қалинликда тўғри чизиқлар чизиш машқлари бажарилади. Ўсимликсимон ва рамзий нақш белгиларини чизиш геометрияси, нақш ва унинг турлари ҳақида тушунчалар берилади. Ҳар бир асар қахрамонлари, деталлар, нақшлар белгиларини табиатдан қайта ишлаб олиш ва композициялар ҳосил қилиш, композициясида компановка, симметрия ва ассиметрия, ритм, стилизатция, шаклларни тенг қисмларга бўлиш, динамика ҳақида ўқувчиларга тўлиқ тушунчалар берилади. Ҳар хил чизиқларни кўз билан чамалаб тенг бўлакларга бўлишни ва уларни чизишни ўрганиш йўллари тушунтирилади. Ўсимликсимон нақш белгилари барглар, гуллар, ғунча, марғула, таноб, шукуфта, шунингдек, рамзий нақш белгилари ва бошқаларни чизишни машқ қилишади.

Китобот санъатида фойдаланиладиган асосий ашёлардан бири қоғоз ҳисобланади. ***Қоғоз*** буюк кашфиётлардан бири бўлиб, у асосий ёзув ашёси ҳисобланади. У кашф қилингунча инсонлар тош, сопол, тери, дарахт пўстлоқлари, пергамент, ёш жониворларнинг ишлов берилган териси, тахта ва суякдан фойдаланишган. Улар оғир, қўпол, узоқ сақлаш имконияти бўлмаганлиги, ҳашаротларнинг кемириши сабабли яроқсиз ҳолга келганлиги учун бир қанча ноқулайликлар туғдирарди. Қоғоз биринчи марта Шарқ давлатларидан Хитойда кашф қилинган. У ўзининг енгиллиги, ишлатиш, ёзиш, тасвир чизиш учун қулайлиги, узоқ муддатга сақлаш имкониятлари мавжудлиги билан ажралиб туради. Унинг хомашёси асосан дарахт маҳсулотлари ва латта матолардан иборат. VIII асрда Самарқандда, кейинчалик эса Боғдодда Хорун ар-Рашид даврида йўлга қўйилди. X–XI асрларда қоғоз ишлаб чиқариш Ўрта Шарқда кенг тарқалди. Хитой, Ҳиндистон, Сурия ва Ироқ мамлакатларида қоғоз ишлаш яхши ўрганилиб, бошқа давлатларга ҳам тарқала борди. Марказий Осиё мамлакатларидан Самарқанд ва Бухорода қоғоз ишлаш яхши йўлга қўйилди. Самарқанд, Бухоро қоғозлари сифатли ҳисобланган. Миниатюра санъатида асосан Самарқанд қоғозларидан фойдаланилган. Китобот санъатида ҳам иллюстрациялар ишлашда қоғознинг аҳамияти катта.



Китобот санъатида яна бир асосий ашёлардан бири мўйқаламдир. ***Мўйқалам***

нозик чизиқлар чизиш, кичик ҳажмдаги рангларни бўяш учун рассомга мўйқалам керак бўлади. Миниатюра усталари мўйқаламлари ўзлари тайёрлашган. Улар икки ойлик мушук боласининг орқа бош қисмидаги мўйдан кесиб олиб, уни иссиқ сувда ёғидан халос қилишган. Тутам юнгларни тахта устида доналаб теришиб, энг узун мўй ўртасига қўйилиб, қолганлари икки ён томонга

*4-расм*

терилган. Сўнг ипак ип билан боғланган, олдиндан тайёрланган каптар, хўроз ёки ғоз патининг ичига жойлаштиришган. Пат икки томондан кесилган ғовак трубка ҳолида 3х4 см атрофида олинган. Ғовак пат қаламчанинг иккинчи томонига беҳи, тол дарахти новдасидан ёғоч ушлагич ясаб жойлаштирилган. *(4-расм)*

Тасвирий санъатда фойдаланиладиган ашёлардан бири бўёқлардир. Китобот санъатида энг асосий бўёқ темпера ҳисобланади. ***Темпера-*** сувда



*5-расм*

эрувчи бўёқлардан биридир. Унинг ўзига хослиги “қайтмаслик” хусусияти, яъни қуриган бўёқ сув (нам)да юмшаб, эримайди. Бунга сабаб, унинг таркибини кучли боғловчилар ташкил қилганлигида. Бу бўёқдан қадимдан деворий суратлар, турли сатхлардаги дастгохли асарларини ишлашда фойдаланилган. Таркиби жихатидан унинг бир неча турлари мавжуд: а)тухумли темпера, б)казеинли темпера,в) воскли темпера ва хоказо. ***Тухумли темпера*** энг қадимги бўёқлардан бири бўлиб, унинг уч хили мавжуд: Бутун тухумдан, тухум оқидан, сариғидан тайёрланадиган темпера. Тухум оқидан тайёрланадиган темперадан шаркда миниатюра асарларини ишлашда кенг фойдаланилган. Тухум сариғидан тайёрланадиган темпера локли миниатюра асарларини ишлашда фойдаланилади. Тухум сариғидан тайёрланган темпера тухум оқидан тайёрланган темперага қараганда таркибида ёғ моддасининг кўплиги, ёпиштирувчи хусусиятининг кучлилиги билан ажралиб туради. Ўз номидан маълумки, боғловчи елим сифатида казеин елими ишлатилади. Бу темперадан қадимда деворий суратларни мойли бўёқ топилгунча дастгохли суратларни ишлашда фойдаланилган. Сувда яхши суюлади, тез қурийди. Қуриган бўёқ ювилганда эримайди ва суркалмайди. Устма-уст ишлаш имкониятлари бор. Асалари мумидан боғловчи сифатида фойдаланиб тайёрланган темпера ***мумли темпера*** шундай номланади.*(5-расм)*

Китобот санъатида фойдаланиладиган иккинчи асосий бўёқ акварель бўёғидир. **Акварель** бўёғи энг қадимги бўёқлардан бири бўлиб, унинг маъноси “ранг ва сув” дир. У қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: сувда тез ва яхши эриши, мўйқаламга яхши ёпишиши, қоғоз, оқ картон каби сатхларни текис бўяши, доғ хосил қилмаслиги, қоғоз сатхидан енгил ювилиши, суркалмаслиги ва ёрилмаслиги. Ўзига хослик томони қоғоз сатхида тиниқ — жарангдор товланади. Кўп рассомлар акварель ёрдамида жуда яхши ишлар ишлаб қолдиришган: А.Иванов, В.Васнецов, В.Суриков, И.Репин, В.Серов, М.Врубель ва бошқалар. Китоб безаш санъатида, театр, кино эскизларини ишлашда, рангтасвир каби барча тасвирий санъат турларида рассомлар бу бўёқдан кенг фойдаланишади. Қулайлиги сабабли боғча, мактаб, санъат коллежлари, институт талабалари ўқув жараёнида хам бу бўёқдан кенг фойдаланиб, рангтасвир билан шуғулланадилар.*(6-расм)*

Бўёқни ишлатиш усули оддийлиги, қулайлиги билан кенг оммага: санъат ишқибозлари ва профессионал рассомлар орасида ыўзига хос ўрин тутади.Акварель бўёқ кўпгина давлатларда ишлаб чиқарилади. Биз бу бўёқни Санкт—Петербург—Москва шахарларида тайёрланган турларини яхши биламиз. Улар вақт синовидан ўтган ва сифати юқори даражадалиги билан бизга яхши таниш. Акварель тайёрлашда турли ранг кукунлари ишлатилади (24 хил ранг). Улар табиий ва сунъий йўл билан хосил қилинган кукунлардан иборат бўлади. Рангли кукунлар шундай танланадики, акварель бўёғи ишлатилганда жарангдор бўлиши керак. Яъни юпқа суртилган бўёқ остидан қоғоз кўриниб туриши керак (прозрачность). Бўёққа хос бўлган жихатларидан бири битта рангни устма-уст бўяшда туснинг тўқлашиб бориши.



*6-расм*

Мусаввирнинг биринчи ашёси бу қалам. Рассом ашёси сифатида унинг бир неча турлари бор. Жумладан, графит қалами, пастел, сангина, соус, кўмир қаламлар.*(7-расм)* Чизматасвир фанининг асосий ашёси бўлган графит қалами юмшоқ (М), қаттиқ (Т) ва ўртача юмшоқ (ТМ) ликда чиқарилади.*(8-расм)*




7-расм

Қалам бир қанча талабларга жавоб бериши керак: пичоқ ёрдамида енгил очилиши, мўрт бўлмаслиги (енгил босим билан чизганда синмаслиги), қалам билан чизилган чизгининг енгил ўчиши, сатхда енгил ҳаракат қилиб қоғозни тирнамаслиги, бир хил босимда бир хил қалинликда чизиқ қолдириши. Қалам ясаш учун графит, каолин, гипс, куйган суяк, қора қурум ва оз миқдорда елим керак бўлади. Яхши қалам ашёси бир квадрат сантиметрда 16 000 тешикчалари бўлган элакдан ўтказилади. Хомашёлар аралашмасидан ҳосил қилинган қаламчалар $100^0$С иссиқликда 5-6 соат қуритилиб, $150–250^0$ С да 2–3 соат қиздирилади.



*8-расм*

## *3-Мавзу:* Китоб безашда анъанавийлик ва композиция асосларига таяниш ҳақида тушунча.

Қадимги қўлёзмалардаги миниатюралар энг қимматбаҳо безак ҳисобланган. Улар фақатгина матн мазмунини тўлдириб, безатибгина қолмай, балки ўша даврнинг диний-фалсафий, ижтимоий ва нафосат ҳақидаги тасаввурларини ўзида акс эттирган. Миниатюра — бу қонунлар асосида яратиладиган санъат бўлиб, уни яратишда янги ечимлар талаб қилинади. Маълумки, миниатюра санъатида ўрта асрларда яшаган Шарқ халқларининг эстетик тамойиллари, ижодкорлик ҳис-туйғулари ифода этилган. Уларда «борлиқнинг қандайлиги, ҳатто қандай бўлиб туриши эмас, қандай бўлмоғи зарур»лигини тасвирлаш муҳим эди. Шу сабабли тасвир Европа санъатидан фарқли тарзда реаллик билан боғланмаган. Одоб-ахлоқ меъёри, эстетик идеал, мавзу ва композициянинг қонун доирасида бўлиши муҳим ўрин эгаллайди.*(9-расм)*



*9-расм*

XV–XVII асрлар қўлёзма китобларидаги миниатюра безаклари бу давр либослари бўйича нашр этилган ишларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўрта асрларга мансуб ёзма манбаларда ҳам либослар тўғрисида қайд қилинган. Миниатюра асарлари ўрта асрлар либосини тадқиқ этиш учун тўла ва аниқ кўргазмали тасаввур беради. Уларда ўша даврлар кишисининг қиёфаси етарлича аниқ тасвирланган. Миниатюра сарой санъати саналади. Шунга кўра ўзида кўпроқ сарой расм-русумларини акс эттиради. Пойтахтда яшовчи жамоанинг барча ижтимоий қатламига хос кийим турлари вужудга келганлигини миниатюра асарларида кузатиш мумкин. Кийимда қандай янгилик бўлса, бу миниатюрада акс этган. Аммо миниатюра асарларининг яратилиш жойи ва даври аниқ кўрсатилганидагина улар либослар бўйича ишончли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Миниатюра асари яратилган жой ва вақт кўрсатилмаган ёки аниқланмаган манбалар бу йўналишдаги тадқиқотларда нотўғри мулоҳазалар баён этилишига сабаб бўлади. Либослар тараққиётини ўрганиш, шунингдек, энг муҳим босқичларини белгилаш Марказий Осиё кийимларини ўрганувчи мутахассислар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Миниатюра иштирокчиларининг соч турмаклари ҳам ўхшаш, яъни бошнинг ўртасидан ярми очилган, соч толалари қулоқ орасидан юзига тушиб турибди. Матоларнинг квадрат ва турли рангдаги тор йўлакчали безаклари ҳам барча кишилар либосларида бир-бирига монанд. «Варка ва Гулшоҳ» асаридаги эркак ва аёл қиёфаларини бир-биридан ажратиш қийин. Уларнинг кийимлари

этаги бирмунча кенг, ўзига хос бичимда думалоқ шаклдаги кўйлаклар тўғрисида тасаввур беради. Олд қисми қисқароқ, орқаси узунроқ, бу кўйлакларнинг астари кўпинча йўл-йўл матодан тикилган. Эркак ва аёллар кийимлари ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлсада, уларда кўпгина фарқли жиҳатлар ҳам кузатилади. Аёллар кийимининг енги пастга қараб кенгайиб боради, эркакларники эса билагига ёпишиб туради. Аёллар тўғри бичимли узун юбка ёки кенг лозим кийган. Эркаклар шолворининг пойчаси узун қўнжли этикка тиқилган. Аёллар бошяланг, эркаклар бошида салла ёки дубулға билан тасвирланган.

Композиция(лотича сўз бўлиб “componere”-йиғмоқ, қурмоқ)- деган маънони бидириб, тасвирий санъатда жуда кўп ишлатиладиган атама ҳисобланади. Композиция турли шакл ва қисмларни бирлаштирувчи, яхлитловчи, маълум бир ғояларни аниқ тасвирловчи жараёндир. Композиция атамаси иккита кўринишда қўлланилади; бирор бир мақсадга йўналтирилган ва уни барча жихатларини, характерини очиб берувчи бадиий асар қурилмасидир; асосий жараённи ташкил этувчи, бадиий шакллар орқали асарга ранглар уйғунлиги ва яхлитликлари компонентларининг бир-бирига бўйсунувчи бадиий асар “атрибути” дир. Хар қандай чизматасвир қоғоз юзасига тасвирни тўғри “композиция”ли жойлаштиришдан бошланади. Ўқув чизматасвирида асосий талаблардан бири қоғозга тасвирни тўғри жойлаштиришдан иборатдир. Композиция-сўзи юқорида таъкидлаб ўтганимиздек лотинчадан “тузиш”, ”яратиш”деган маънони билиради. Компоновка - эса унинг кичик қисмларини яхлитлаш демакдир. Композиция атамаси икки хил ахамиятга эгадир. Ўқув чизматасвирида “композиция” сўзи бошланғич элементлар вазифаларини бажаришдан иборат бўлиб у, бадиий ижодда жуда катта ахамиятни касб этади. “Композиция” ва ”Компоновка” тушунчалари шартли характерга эга бўлиб, иш жараёнида сезилмаган холда бир-бирининг ичига кириб, бир-бирини тўлдириб боради. “Композиция” атамаси санъат, тасвирий санъат ва архитектуранинг турли кўринишларида қўлланилади. Булар; кино, мусиқа, балет, театр, адабиёт кабилардир. “Композиция” ижодий тушунча бўлиб, у санъат асарининг таркиби қисми, унинг ғоясини ифодаловчи умумий фикрдир. Ўқув чизматасвирида у қоғоз ўлчамини тўғри танлай билиш ва буюмларни белгиланган ўлчамга чиройли жойлаштира билишдир.

Тасвирий санъатда битта қонуният бўлиб у хам бўлса - оддий ва қийин кўринишдаги образларни турли шакллар орқали яратилган гўзаллик қонунидир. Композиция – бу рассомнинг қайси тилда гапираётгани ва унинг билими хамда рассомнинг хисси ва фикрларини ифодаловчи воситадир. Рассомнинг хар бир яратган асари – бу унинг монологи бўлиб, қачонки асар

рассом устахонасидан ташқарида ўзининг мустақил «хаёт»ини бошласа ундан кейин унинг диалогига айланади. Санъат –бу хар қандай миллат ва элатларга инсоният пайдо бўлгандан бери, бир бири билан мулоқат қилиш ва сўзлашиш воситасидир. Композиция эса – бу танланган ўлчамда (танланган ўлчамнинг юзаси, кенгликда, аниқ бир интерьер хажмида) тасвирланаётнган шаклларнинг уйғунлиги, буни тасвирланаётган шаклларга қўшиб хам, олиб хам бўлмайди. Агар шундай қилинса композицичдаги шакллар уйғунлиги бузилади. Рассомга уйғунликни хис қилиш аввалдан худо томонидан берилган бир неъмат бўлиб, у табиатда инсон сифатида намаён бўлади. Рассом эса якка тартибда фаолият олиб боради.Унинг келажакда шахс сифатида ривожланиши, унинг хар куни ўз устида тинмасдан мехнат қилишига боғлиқ Композиция- бу ихтиро эмас, бу хис – хаяжон ва хиссиётдир. У ақл билан эмас балки қалб қўри билан дунёга келади. Шунинг учун хам санъат асари томошабинлар учун сирли ва афсонавий бўлиб қолаверади.

Форэскиз (for – инглизчадан “тақалган” эскиз “учун”) деган маънони билдириб, тасвирланаётган шаклларни бр бирига бўлган муносабатларини яхлит, умумий холда кўриш учун мўлжалланган кичик ўлчамларда бажарилган эскизлар туркимига айтилади. Булар оддий кўринишда бўлиб, (портретда – бош, тана...) ёки мураккаб кўринишда (манзара – уй, дарахт, машина, одам ва хайвонлар..., натюрмортда – бир нечта шакллар) ва атроф мухитдаги ритмик объект, кенгликлардан иборат бўлиши мумкин. Биринчи навбатда биз тасвирланаётган шаклларни тўқ рангли доғларда белгилаб оламиз. Бу эса атроф оч рангда тасвирланаётган шакллар тўқ рангда бўлиши керак дегени эмас. Силует туслари, тасвирланаётган шакл доғлари композициянинг ғояси ва ечимига боғлиқ. Тасвирланаётган шаклни бизтурли ўлчамларда кўриб чиқамиз. Ўқув жараёнида бу квадрат, тўғри тўртбурчак, горизонтал ва вертикал, ижодий ишларда ромб, овал горизонтал ёки вертикал бўйлаб, кўпбурчак, айлавна кўринишларида бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган турли кўриниш ва ўлчамлардан биз композициянинг ғоя ва мақсадини тасвирлашга мос келадиган кўринишдаги ўлчамни танлаймиз. Бу билан биз композицияда яратилаётган тасвирий образ ечимини кучайтиришимиз мумкин. Эскиз - мавзу ва композицион ечимига қараб турли ўлчамларда бажарилади. У хаттоки гугурт қутисидан катта бўлмаган ўлчамларда хам бажарилиши мумкин. Кичик ўлчамдаги хажм композициянинг бу босқичида уни, яхлит қабул қилиш, кўриш ва композициядаги мақсад ва вазифаларни аниқ бажаришда ишлатилади. Фор эскизни катталаштирган холда тасвирлаш, тасвирланаётган шаклларнинг чалкашган пропорциялари ва доғларида биз, шакл ритмларини тузувчи,

тасвирий шакл ва ритмнинг ўзига хослиги, ундаги, умумий ва дағал доғларнинг кетма кетлигини кўрамиз. Материал йиғиш – бу босқич композицияни ва уни картонга ўтказишдан олдин бажариладиган жараён хисобланади. Хажмни табий ўлчамгача каттайтирилса, унда тасвирланаётган шакл ва олдинги иккита босқичдаги силует доғлари хам катталашади. Кичик ўлчамда барча шакл ва деталлар умумийлашган, уйғунлашган холда кўринган бўлса, катталашганда эса у ўта контраст, бир хил, зерикарли, бир хил жарангда, бўш бўлиб кўринар эди. Композициянинг умумий тузилишини тиклаш учун, тасвирланаётган шаклларнинг характерини кўрсатиш ва яратилаётган образларни кучайтириш лозим. Шунинг учун хам биз натурага эътиборни қаратган холда композициядаги чизматасвирни юқори босқичга олиб чиққунча ишлов бериб уни пухта ўзлаштириб, синчиклаб ўрганамиз.

## *4-Мавзу*: Мактаб ёшигача бўлган болалар учун мўлжалланган эртак, хикоя ва масалларни бадиий безаш турлари.




*10-расм*

Мактабгача тарбия даври инсон ҳаётида ниҳоятда масъулиятли давр ҳисобланади, чунки инсоннинг шахс сифатида шаклла-нишига ана шу даврдан бошлаб асос солинади. Болаларни ҳар томонлама тарбиялашда бадиий асарнинг аҳамйяти, айниқса каттадир. Бадиий асар болаларда Ватанга муҳаббат, дўстлик, ўртоқлик, меҳнатсеварлик каби хислатларни таркиб топтиради, уларни теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисалар билан таништиради. Сўз санъати бадиий асарда ўз ифодасини топади. Халқ бадиий сўзнинг ёш авлод тарбиясидаги куч-қудрати ва жозибасига қадим замонларданоқ эътибор бериб келган. Бадиий сўз халқнинг барча маданий бойликларини абадийлаштирган. Халқ орасидан ажойиб истеъдод соҳиблари — достончилар, эртак айтувчилар, қўшиқчилар етишиб чиққан. Улар яратган мақол ва маталлар, эртак ва афсоналар, қўшиқ ва топишмоқларда халқнинг ақл-заковати, орзу-истаклари, руҳи ва иродаси ўз аксини топган.(10-расм)

Сўз санъатининг асосий манбаи, реал борлиқ, табиат, инсонлар, уларнинг меҳнати ва ўзаро муносабатлари, хулқ-атвори ҳисобланади. Бадиий сўз орқали образлар аниқ яратилади, бу билан бола кўзи олдида асар қаҳрамонларининг саргузаштлари, хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари гавдалантирилади.

Эртак халқ оғзаки ижодининг энг қадимий жанрларидандир. Эртакларда гўзал инсоний фазилатлар: ҳалоллик, тўғрилик, камтарлик, жасорат мадҳ этилади, айрим кишилардаги ёлғончилик, қўрқоқлик,

мақтанчоқлик каби одатлар қораланади, яхшилик улуғланади, ёмонлик рад этилади. Эртак ўзининг соддалиги, равонлиги, образлилиги билан болалар учун жуда тушунарли, қизиқарлидир. Эртак болалар томонидан осон ва тез ўзлаштирилади. Эртак жанрининг асосий хусусиятларидан бири унинг халқ ҳаёти тарихи, психологияси, дунёқараши, урф-одатлари билан жуда яқин боғланган бўлиши ва унда кишиларнинг ахлоқиЙ ва маънавий қиёфасининг ёритилишидир.




*11-расм*

Китоб расталарига териб қўйилган ранг-баранг эртак китобларни сотиб олаётганда ота-оналар уларнинг мазмуни билан тўла таниш бўлмасликлари мумкин. Болалар эса, асосан, китобларнинг турли безагу расмларига ошуфта бўлишади. Эртакларнинг мақсад-мазмуни, савияси, миллийлигимиз, урф-одат, анъана ва қадриятларимизга мослиги, тарбиявий аҳамиятга қанчалик эгалиги масаласида уларни танлаб олиб, таржима ва таҳрир қилган, кўп минг нусхада нашр эттираётган мутасадди кишиларни масъул деб биламиз. Юқоридаги мисоллар оммавий масъулиятсизлик оқибатида жажжи фарзандларимизнинг беғубор оламига инсоният учун қабиҳ саналган ҳар хил зарарли ғоялар тақдим этилаётгани маълум бўлмоқда.*(11-расм)*

Мустақиллик йилларида жаҳон халқларининг кўплаб эртаклари ўзбек тилига таржима қилиниб, давлат ва хусусий нашриётлар томонидан чоп этилиб, болаларга етказилди. Бу эртаклар орқали фарзандларимизга турли халқларнинг тарихи, орзу-умидлари, миллий қахрамонлари, урф-одат ва қадриятлари ҳамда турмуш тарзи таништирилди. Шу билан маълум маънода ўзбек болалар адабиёти бойитилди.




12-расм

Бундай қувонарли ютуқлардан кўз юммаган ҳолда, болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи айрим ҳолатлар хусусида ўйлаб кўришга тўғри келади. "Сеҳргар қуш" номли арман халқ эртаклари Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 2007 йилда 5000 нусхада чоп этилган. 60 x 90 1/8 бичимдаги ушбу китобга 232 саҳифада жами 49 та эртак киритилган. Арман халқининг тарихи, миллий хусусиятлари ва маънавий қадриятлари ҳақидаги мазкур эртаклар 1– 4 синф ёшидаги болаларга мўлжалланган.*(12-расм)*




*13-расм*

Эртакларнинг мазмуни билан танишар экансиз, буларнинг мурғак болакайларга тақдим этилаётганидан ҳайратга тушасиз. Аввало, эртакларнинг сарлавҳаларига эътибор берайлик: "Келинига ошиқ бўлган шоҳ”, "Хотиннинг макри”, "Эркакшода аёл”, "Аҳмоқ кампир ҳақида эртак”, "Шум кампир”, "Саводсиз поп”.Ушбу эртаклар тўпламини нашрга тайёрлашда болалар китоблари учун белгиланган меъёрлар ва СанПиНнинг гигиеник талаблари инобатга олинмаган. Матн фони ва коришокда берилган қора тасвирлар, колонтитул тепасида берилган суратлар ўқувчининг матн мазмунини илғашига халақит беради. Безак учун ишлатилган расмлар ўз вазифасини бажара олмаган. Техник муҳаррир томонидан эътиборга олиниши лозим бўлган саҳифалаш қоидасига риоя этилмагани оқибатида сатрларининг ортиқча узунлиги ўқиш давомида боланинг тез чарчашига сабаб бўлади.*(13-расм)*

## *5-Мавзу*: “Ўзбек халқ” эртагига муқова ишлашнинг композицион ечимлари. Ўзбек халқ эртакларидан бирини мавзу сифатида танлаш

Бадиий адабиёт воқеликни ҳаққоний акс эттириши, ёрқин образлар яратиши билан болаларда эстетик дид ва ахлоқий сифатларни мужассамлаштиради. Уларни ҳаёт гўзаллигини идрок этишга ўргатади. Халқ эртаклари ғоявий мазмуни, бадиий хусусиятига кўра уч турга: ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, ҳаётий эртаклар, сатирик эртакларга ажратилади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда инсоннинг ҳаёти, меҳнати, дунёқараши, тушунчаси ёритилади. Ҳайвонлар, қушлар ҳақидаги эртакларда сюжст тез ривожланади. Образлар эса серҳаракат бўлиб, кулгили моментлар ҳам тез-тез учраб туради. Эртакдаги бу хусусиятлар болаларда ҳис-туйғу уйғотиб, уни ривожлантиради. Ҳаётий эртакларда камбағаллар



*14-расм*

билан бойлар, донишмандлар билан аҳмоқлар ўртасидаги воқеа-ҳодисалар, муносабатлар ҳикоя қилинади. Бу воқеа ва ҳодисалар социал конфликт асосига қурилган бўлиб, унда салбий ва ижобий қаҳрамонлар-нинг истаги, хатти-ҳаракати, эришган ютуқ ва камчиликлари кўрсатилади. Бу хил эртаклар орқали болалар ўз халқининг ўтмиш ҳаёти ва ижоди билан танишадилар, шунинг учун ҳам болаларни тарбия-лашда халқ эртакларидан кенг фойдаланилиши бежиз эмас. Ҳаммамизга маълумки, болада эртак тинглаш истаги жуда эрта — 2 — 3 ёшдан бошланади. Бола катта бўлган сари унинг эртакка қизиқиши ортиб боради. Бола эртакни бутун фикри-зикри билан тинглайди, ундаги воқеаларни, кишилар, ҳайвонлар ўртасидаги муносабатларни фикран анализ қилади ва эртакдаги салбий ва ижобий қаҳрамонларни дарҳол ажратиб олади. Халқ эртаклари болалар фантазиясини ўстиради, уларни фикр юритишга ундайди.(14-расм)

## *6-Мавзу:* **Муқованинг куринишини қаламда ва хомакисини рангда ишлаш ишлаш.**

Муқованинг хомакисини бошлашнинг босқичлари. Барча тўпланган материалларни ўрганган холда, мазкур мавзуда ишланган, рассомларнинг асарларини чуқур тахлил қилиш натижасида, муаллиф танланган мавзуга ўз шахсий фикрини, муносабатини билдириши лозим. Мавзу ғоясини очиш мақсадида – қачонки композиция жўшқин ёки харакатсиз, қайсидир ифодали ашёлар ёрдамида ечилса, қайсидир ифодали восита асосий, кай бирлардари ёрдамчи воситалар сифатида композицияни яратиш жараёнида қўлланилиши мумкин. Биринчи босқич (фор эскиз) – унинг мақсади; ўлчамни аниқлаш, тасвирланаётган шаклларнинг силуетларга, мухит ва шаклларнинг уфқ чизиғига бўлган муносабатларини қараб чиқишдан иборатдир. Иккинчи босқич (эскиз)– танланган фор эскизда, атроф мухитдаги ритм, шакл, фактура, доғлар ва чизиқлари орқали, тасвирланаётган шакллар силуетларини бир бирига таққослаш ва тахлил қилиш. Учунчи босқич – материал йиғиш. Бунга асосан наброска, хомаки чизгилар, қисқа муддатли чизматасвирлар, этюдлар, фотосуратлар ва этнографик қораламалар киради.



*15-расм*

Муқовани рангда хомакиларини бир неча вариантларда кўриб чиқилади. Биринчи навбатда оқ ва қора ранг асосида энг тўқ ва энг оч тасвирланадиган қисмлар ажратиб олинади. Сўнг турли хил рангларда, яъни совуқ ва иссиқ ранглар орқали унинг колористик ечимини топиш керак бўлади. Агар кенгликдаги хажмли композиция бўлган тақдирда, унинг – ёруғсоя, хусусий ва тушувчи соялари кўриб чиқилади. Бундай пайитда бадиий тасвирий образни яратишда ифодали воситалардан фойдаланиш мумкин.*(15-расм)*

*Ҳайвонот олами тасвирланган қоралама ва тасвирларини сув бўёқларда ишлаш.* Ҳайвонот олами, от, туя, шер, йўлбарс, қоплон, бўри, тулки, ит, кийик, қўй, эчки ва инсон қоматлари тасвирланган қоралама ва рангтасвирларини сув бўёқларда ишланади. Сув бўёқ (акварель) энг қадимги бўёқлардан бири бўлиб, маъноси «ранг ва сув»дир. Сув бўёқлар сувда тез ва яхши эриши, мўйқаламга яхши ёпишиши, қоғоз, оқ картон каби сатҳларни текис бўяши, доғ ҳосил қилмаслиги, қоғоз сатҳидан енгил ювилиши, суркалмаслиги ва ёрилмаслиги лозим. Ўзига хослик томони қоғоз сатҳида тиниқ шаффоф товланади. Бу дарс жараёнидан мақсад ўқувчи ва талабалар ҳайвонларнинг турли ҳаракатларини кузатиш ва пластик анатомияси, характерини ўрганиш, уларда ҳайвонот дунёсига нисбатан меҳр уйғотиш, эстетик завқ олиш, кузатувчанлик қобилиятини ривожлантириш.

*Инсон қомати акс этган қоралама тасвирини ишлаш.* Инсон қомати акс этган қоралама тасвири ишланади. Тўпланган унсурлар асосида қораламалар тасвирини миниатюра композицияси лойиҳаларида ишлатиш учун стилизациялаштирилади.*(16-расм)*

*Стилизация* – муқаллид нарсаларнинг шакл ва тузилишини соддалаштириш ёки мураккаблаштириш. Миниатюра композицияларидаги қоралама тасвирлари рамзийлаштирилишда чизиқлар муҳим аҳамиятга эга. *Чизиқ*




*16-расм*

рассомнинг амалда энг кўп қўллайдиган бадиий тилидир. Унинг ёрдамида шакл ва текислик чегаралари аниқланади. Чизиқ тасвир этилаётган шаклни атроф-муҳитдан ажратиб кўрсатувчи чегарадир. У шакл чегарасини аниқлаш билан бирга, рассомнинг ички ҳиссиёти ва ҳаяжонига таъсир этади. Чизиққа тасвирий санъатда кўплаб тавсифлар берилиши шундандир. У енгил ва сеҳрли, турғун ва интилувчан, илиқ ва шиддатлидир. Тарихдан кўп рассомлар чизиқни ҳис қилиш қобилиятига эга бўлиб, бизга санъатда улкан бадиий мерос қолдирган. Чизиқли йўл билан тасвирлаш ва аниқлаштириш ижоднинг ўзига хос услуби ҳисобланади. Рассом ихтиёрий санъат асари, шунингдек, композиция яратишда турли чизиқлардан фойдаланади. Бу – тўғри горизонтал, тўғри вертикал, эгри чизиқлар, қийшиқ, синиқ, аралаш, параллел ва кесишувчан чизиқлардир.

## *7- Мавзу:* **Муқованинг асл кўринишини қаламда асл хажмда ишлаш.**

Тўпланган ашёлар асосида китобот устига муқова ишлаш. Ўтган дарсларда ишланган қоралама ва силуетлар асосида қоғозга табиат, ҳайвонот олами ва инсон қомати акс этган, композиция асослари, қонун-қоидалари, миниатюра композициясида компановка, симметрия ва ассиметрия, маром (ритм), композицияда стилизатция, шакллари тенг қисмларга бўлиш, мутаносиблик, кенг кўламлилик, динамика каби қоидаларни инобатга олган ҳолда эскиз олди изланишлари олиб борилади.



Муқованинг асл кўринишини бошлашдан олдин барча хомаки ишланган вариантлар кўриб чиқилади. Танланган хомаки энг мураккаб композицион ечимга эга, маъно жихатидан тўлиқ очиб берилган бўлиши керак. Танланган муқова хомакисини аслини бошлаш учун қоғоз таёрланади. Бунинг учун бизга ватман ёки бошқа турдаги сифатли қоғоз

*17-расм*

бўлиши керак. Қоғозни планшет сатхига хўл ҳолатда тортилади. Қоғоз ҳажми кичик бўлса, уни кичик планшетга сувли елим ёрдамида ҳўл ҳолатда ёпиштирилади. Коғоз сатхи қуригандан сўнг, асарнинг композицион ечими, асарнинг маъносига ва албатта талабанинг хохишига биноан турли грунтлардан фойдаланилади. Грунтлаш ниҳоясига етгач, муқова ҳомакисини қоғоз сатҳига калка ёрдамида туширилади. Бунинг учун калкани муқова ҳомакисини устига қўйиб тушириб олинади, сўнг калканинг орқа томонини юмшоқ қалам билан бўяб чиқилади. Таййор бўлган калкани планшетга тортилган қоғозимиз устига қўйиб, қалам ёрдамида қалам тасвир устидан чизиқлар юргазиб чиқилади. Туширилган композициямизни кайта кўриб чиқиб, қалам тасвирни тугалланган холатга келтирилади. Муқовага ёзиладиган  эртак мавзуси шрифтлари ҳам эртакнинг маъноси ва композицион ечимидан келиб чиққан ҳолда тасвирланади. *(17-расм)*

## *8-Мавзу*: Муқованинг асл куринишини рангда ишлаш.

Муқованмнг асл кўринишини рангда бошлашдан олдин, рангда қилинган барча ҳомакиларни қайта кўриб чиқилади, рангшунослик ҳақида маълумотлар, ахроматик ва хроматик ранглар, рангларнинг асосий хусусиятлари каби қоидаларни инобатга олиб энг муносиби танланади.. Амалий машғулотлар давомида ўқувчидан инсон қомати, ҳайвонлар, ўсимликлар, турли манзаралар тасвирини қоғоз сатҳига жойлаштиришда ритмга қатъий риоя қилиш, расм ритми, имо-ишора, ҳаракатларни моҳирона бера билиш, бўёқлардаги ички монандлик, рассомларга хос бўлган расмларни чиза билиш фазилатлари, акс эттира олиш маҳоратлари ўқувчилардан талаб қилинади. Муқованинг асл кўринишини рангда бошлаш бир неча босқичларга бўлинади.




*Биринчи босқичда* катта юзалар: фон, осмон ва ер, кийимлар бўяб чиқилади. *Иккинчи босқичда* юз ва қўл қисмлари, майда деталлар, дарахт ва ўсимликлар турлаб чиқилади. *Учинчи босқичда* сиёҳ қалам ишлари, кийимлардаги чизиқ ва бурмалар бажарилади. Муқовадаги бош қаҳрамон либосини безашда турли накшлардан фойдаланиш мумкин; ислимий накш, гирих накш, алохида шаклли гул, жонивор, булут тасвири ва хакозо. Либос безак турини танлашда қахрамоннинг келиб чиқиши(табақаси), касби каби жихатларини эътиборга олиш лозим. *(18-расм)*

*18-расм*

*Тўртинчи босқичда* барча қисмларга аниқликлар киритилади. *Инсон қоматининг* юз қисмидаги бўлаклар ингичка мўйқалам ёрдамида ишланади. Инсоннинг портрет қисмини ишлаш ўзига яраша машшақатли ва жуда нозик босқичлардан иборатдир. Портрет ишлашда образнинг характерини очиб бериш асосий вазифалардан биридир. *(19-расм*). Композицияда ҳайвонлар, кушлардан фойдаланилган бўлса, ингичка мўйқалам орқали табиийлика яқинроқ ҳолда ишланади.*(20-расм)*



*19-расм*



*20-расм*

Асарнинг катта-кичиклигига қараб беш хил турдаги безаклар белгилари ёрдамида безалиши мумкин.

1. Ресфсйдер ёрдамида рангли чизиқлар чизиш.
2. Катта ва кичик нуқталар билан безаш.
3. Тилла рангли бўёқ билан ресфейдер ёрдамида чизиқлар чизиш.
4. Қайтарилма нақш йўли (фриз) билан безаш.
5. Занжир нақш композициясини бажариш.

## 9-Мавзу: Ўзбек халқ эртаги китобига зарварақ ишлаш.







## 10-Мавзу: Зарварақ ҳақида тушунча.

Ҳозирги китоблар ўқувчилар талаби ва эстетик дидига кўра муайян шаклга эга. Китоб саҳифаларга ажратилиб, ўртасидан тикилади ва муқоваланади. Муқованинг китоб саҳифалари билан бириктирилган қисми форзац дейилади. Айрим ҳолларда муқовани сақлаш ва безак сифатида муқовага жилд (суперобложка) кийгизилади. Китобнинг бош қисмида сарварақ (титул лист) бўлади. Унда муаллифнинг исм-шарифи, китобнинг номи, нашр этилаѐтган жойи, нашриѐт номи, йили ва бошқалар ѐзилади. Сарварақ қўш саҳифада бўлиши мумкин, бу ҳолда у китобнинг 2-(муқобил сарварақ) ва 3-бетларини эгаллайди. Сарварақ маълумотлари- нинг айримлари китобнинг 1-саҳифаси – пешварақ (авантитул) да ҳам ѐзилиши мумкин. Сарварақнинг орқа саҳифасига китоб белгиси қўйилади. Баъзи ҳолларда сарварақ ўрнида саррасм (фронтиспис) бўлади. Матннинг мазмунига қараб, китобга турли усулда сарлавҳалар қўйилади. Айрим ҳолларда йирик сарлавҳа- лар алоҳида саҳифада берилади. Бундай саҳифа зарварақ (шмуцтитул) дейилади.*(21-расм)*




*21-расм*

## 11-Мавзу: Зарварақ хомакисини қаламда ва рангда ишлаш.

Ўзбек халқ эртакларига зарварақ иишлашнинг босқичлари. Мавзу бўйича барча тўпланган материалларни ўрганган холда, мазкур мавзуда ишланган, рассомларнинг асарларини чуқур тахлил қилиш натижасида, муаллиф танланган мавзуга ўз шахсий фикрини, муносабатини билдириши лозим. Мавзу ғоясини очиш мақсадида – қачонки композиция жўшқин ёки харакатсиз, қайсидир ифодали ашёлар ёрдамида ечилса, қайсидир ифодали восита асосий, кай бирларлари ёрдамчи воситалар сифатида композицияни яратиш жараёнида қўлланилиши мумкин. Биринчи босқич (фор эскиз) – унинг мақсади; ўлчамни аниқлаш, тасвирланаётган шаклларнинг силуетларга, мухит ва шаклларнинг уфқ чизиғига бўлган муносабатларини қараб чиқишдан иборатдир. Иккинчи босқич (эскиз)– танланган фор эскизда, атроф мухитдаги ритм, шакл, фактура, доғлар ва чизиқлари орқали, тасвирланаётган шакллар силуетларини бир бирига таққослаш ва тахлил қилиш.*(22-расм)*



Зарварақни рангда хомакиларини бир неча вариантларда кўриб чиқилади. Биринчи навбатда оқ ва қора ранг асосида энг тўқ ва энг оч тасвирланадиган қисмлар

*22-расм*

ажратиб олинади. Сўнг турли хил рангларда, яъни совуқ ва иссиқ ранглар орқали унинг колористик ечимини топиш керак бўлади. Агар кенгликдаги хажмли композиция бўлган тақдирда, унинг – ёруғсоя, хусусий ва тушувчи соялари кўриб чиқилади. Бундай пайитда бадиий тасвирий образни яратишда ифодали воситалардан фойдаланиш мумкин. 5. Учунчи босқич – материал йиғиш. Бунга асосан наброска, хомаки чизгилар, қисқа муддатли чизматасвирлар, этюдлар, фотосуратлар ва этнографик қораламалар киради.*(22-расм)*

Зарварақ ишлашда асарнинг асосий мазмунини ташкил этувчи майда деталлардан фойдаланилади. Шу жумладан:

